

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎРАБОЕВА МУҚАДДАС ЁҚУБЖАНОВНА

**АЛГОРИТМИК МАШҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА
УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of
Philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Тўрабоева Муқаддас Ёқубжановна

Алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич
синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш 3

Турабоева Муқаддас Яқубжановна

Обеспечение непрерывности обучения родному языку в начальных классах
на основе усовершенствования системы алгоритмических упражнений.... 23

Turaboeva Muqaddas Yoqubjanovna

Ensuring continuity in teaching the mother tongue in primary classes on improving
the system of algorithmic exercises 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎРАБОЕВА МУҚАДДАС ЁҚУБЖАНОВНА

**АЛГОРИТМИК МАШҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА
УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Ped807 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.namdu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳамроев Алижон Рўзиқулович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Нормаматов Султонбек Эрмаматович
филология фанлари доктори

Қодиров Валижон Абдурахмонович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81.)

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Улуқов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

У.Я. Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, PhD

Ҳ.А.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача мўлжалланган таълим концепциясида таълим, хусусан, бошланғич таълим “тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш масалаларига етказувчи муҳим фаолият” сифатида эътироф этилиб¹, уни замонавий ва илғор педагогик технологиялар асосида янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бошланғич синфлар она тили таълимида алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида узвийликни таъминлаш ва ривожлантириш технологияларини, методологик асосларини мукамаллаштириш, ўқувчиларнинг нутқи ва тафаккурини такомиллаштиришга доир тадқиқотларга талаб ортмоқда.

Дунёнинг Япония, Германия, АҚШ, Россия Федерацияси, Канада каби ривожланган мамлакатларида бошланғич синфларда миллий маданият ва мафкура, миллий руҳ ва кадриятларнинг хазинаси, ўқувчида миллий, ижодий, мустақил тафаккурни шакллантирувчи, ривожлантирувчи, ифодаловчи ҳамда бошқа фанларни мукамал, пухта ўзлаштирилишига асос бўлувчи она тили таълимининг инновацион илғор педагогик технологиялар асосида такомиллаштиришга муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. БМТнинг таълим, фан ва маданият масалаларига доир Битимида долзарб вазифа сифатида белгиланган²лиги боис “Инновацион педагогик технологиялар воситасида ўқитишни тубдан яхшилаш” муаммоси дунёнинг ривожланган мамлакатларининг илмий марказларида тил таълимини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари етакчи ўринда туради.

Янгиланаётган Ўзбекистонда таълим тизимига доир ислохотлар доирасида халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, ўқувчида кичик ёшдан таълим олишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш”³ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу, аввало, умумий ўрта таълим, жумладан, бошланғич таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро таълим стандартлари асосида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма саводхонлигини ривожлантириш, ўқувчиларнинг ўзига хос ижобий хусусиятларини аниқлаш, рағбатлантириш ҳамда миллий кадриятларни уйғунлаштирган ҳолда Ватан ва халқнинг содиқ фидойи фарзанди этиб тарбиялаш, замонавий ва инновацион педагогик услубларини таълим-тарбия

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 2019, 29.04. .

² ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. –Т.: Адолат, 2004. –Б. 19-62.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 2019, 29.04.

жараёнига сингдириш ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш орқали сифатини ошириш каби талабларни вазифа қилиб белгилаймиз. Дарҳақиқат, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътиром ва садоқатни она Ватанга эътиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим. Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва кадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак”¹. Бундай юксак ҳамда муҳим ижтимоий вазифани бажаришда бошланғич синфларда она тили таълимини, хусусан, ўқувчиларни тил ва нутққа доир илмий-назарий билим ва амалий малака ҳамда кўникмаларни изчил, узвий, мукамал, ижодий ва мустақил ўзлаштиришга йўналтирувчи, муайян тартиб ҳамда қоидаларга асосланган алгоритмик машқлар тизимини яратиш, такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3850-сонли Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлардан I. Johnson² ижодий таълимни ташкил этиш, Lars Yacob ўқитувчи ва ўқувчи

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbek-tiligiga-davlat-tili-ma-o-21-10-2019>.

² Creative Teaching: Using Creative Teaching Methods in a Student-centered ESL Environment. Ivy Johnson. ivy.m.johnson@gmail.com; Mario Barajas, Frédérique Frossard (University of Barcelona). Docent – digital creativity enhanced in teacher education. Framework of digital creative teaching competences. This project has been funded with support from the European Commission; Maria del Mar Camacho i Martí. ISBN: 978-84-690-7634 / DL: T.1394-2007; Peter Edelenbos, Richard Johnstone. The main pedagogical principles underlying the teaching of languages to very young learners Languages for the children of Europe. Published Research, Good Practice & Main

истикболлари, Maria Bajas таълимда рақамли ижодкорлик, Maria del Mar Camacho Marti АКТга асосланган шароитда ўқитувчининг фаолиятини лойихалаш, Peter Edelenbos, S.Wond ўқитувчининг феъл-атвори ва мулоқотга киришиш даражаси, S.Demetriadis она тили таълимида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш масалаларини тадқиқ этишган.

МДХ олимларидан Л.Н.Ланда, А.И.Власенков, А.Х.Жиленко, Н.А.Лашкарова, В.И.Масальский, Е.Г.Шатова, Т.И.Шамова, И.В.Дорно, В.В.Маткин, М.И.Махмутов, Ф.Я.Байков, Л.А.Венгер ва А.Л.Венгер, Я.А. Пономаревлар¹ она тили таълимида алгоритмик машқларни қўллаш, таълимни ижодий ташкил этиш, болалар ижодкорлиги, интуиция, дискурсив фикрлаш (ҳаракат ва тафаккур муштараклиги) масалаларини комплекс психологик ҳодиса сифатида ўрганган.

Мамлакатимизнинг етакчи методист олимларидан А.Қ.Ғуломов она тили дарсларида таълим олувчининг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш, Ш.Ж.Юсупова она тили таълимида ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш, Т.Т.Ғаниев машқ бажариш жараёнида ўқувчининг билиш фаоллиги, Т.У.Зиядова ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш имкониятлари, А.Я.Бобомуродова ўйин-топшириқлардан фойдаланиш, М.С.Саидов тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари, А.Р.Ҳамроев ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойихалаштириш масалаларини тадқиқ этган². Шунингдек, И.А.Аллаёров, О.Р.Розиқов, Р.Ибрагимов, Б.Р.Адизов ва

Principles; Amiri F. IT-literacy for language teachers: should it include computer programming System, Volume 28, Issue 1, 2015. – P.77-84.; Demetriadis S. “Cultures in negotiation”: teachers’ acceptance / resistance attitudes considering the infusion of technology into schools, Computers and Education, Volume 41, Issue 1, 2013. – P.19-37.

¹ Ланда Л.Н. Алгоритмизация в обучении. – М.: Просвещение, 1966; Власенков А.И. Материалы к исследованию по теме “Использование алгоритмов в обучении орфографии”. – М.: Просвещение, 1965. – С.23; Жиленко А.Х. Использование алгоритмов при изучении орфографии // РЯШ. – 1986. – № 5. – С.53-55; Лашкарова Н.А. Роль межпредметных связей в повышении самостоятельности к творческой активности учащихся на уроках русского языка. – М., 1970. – 142 с; Масальский В.И. О содержании и направленности обучения русскому языку: Теоретическое обоснование и практическое применение элементов алгоритмизации, программирования на уроках русского языка. – Киев: Изд-во Киев. гос. ун-та, 1968; Шатова Е.Г. О способах описания обобщенных алгоритмов при обучении орфографии: методика и опыт // РЯШ. 1991. – №4; Шамова Т.И. Активизация учения школьников. – М.: Педагогика, 1982. – 208 с.; Вольков И.П. Учим творчеству // Педагогический поиск. – М.: Педагогика, 1987. – С.101-140; Дорно И.В. Проблемное обучения в школе. – М.: Просвещение, 1984. – 31 с; Маткин В.В. Межпредметные проблемные познавательные задачи как средство формирования интереса к творческой деятельности школьников. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – М., 1977. – 28 с; Махмутов М.И. Организация проблемного обучения в школе. – М.: Просвещение, 1977. – 240 с; Байков Ф.Я. Учение и творчество. – Л.: Лениздат, 1979. – 149 с; Венгер Л.А., Венгер А.Л. Домашняя школа мышления. – М.: Знание, 1985. – 80 с; Пономарев Я.А. Психология творчества и педагогика. – М.: Педагогика, 1976. – 280 с.

² Ғуломов А.Қ. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 156 б; Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчиларнинг тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 277 б; Ғаниев Т.Т. Она тилидан машқ бажариш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1991. – 194 б; Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1996. – 145 б; Зиядова Т.У. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 161 б; Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 147 б; Ҳамроев А.Р. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойихалаштириш: Пед. фан. док (DSc) ... дисс... – Тошкент, 2020. – 242 б.

М.Х.Махмудовлар¹ томонидан она тили таълимида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш, мустақиллигини тарбиялаш масалалари ўрганилган, бироқ бошланғич синфларда она тили таълими ва унда машқлардан, хусусан, алгоритмик машқлар тизимидан фойдаланиш технологиялари монографик жиҳатидан тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Бошланғич таълимнинг илмий ва услубий асосларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тил таълимига доир педагогик ва психологик адабиётлар ҳамда инновацион ўқитиш ғояларининг генезисини таҳлил қилиш орқали бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида узвийликни таъминлашнинг педагогик имкониятларини аниқлаш;

алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш орқали ўқувчилар ўзлаштириш даражасини ривожлантириш юзасидан методик тавсиялар яратиш;

алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини мақсадли ташкил этиш ва бошқарилишини моделлаштириш;

алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашга оид замонавий ёндашувлар ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш механизмларини татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган, Фарғона, Андижон вилояти умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синф она тили дарсларида алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида узвийликни таъминлаш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети қилиб алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашнинг шакли, метод ва воситалари белгиланган.

¹ Розыков О. Основы оптимального применения системы учебных задач в обучении. –Т.: Ўқитувчи, 1981. – 103 с; Аллаёров И.А. Дидактические основы активного обучения: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 1994. – С 44; Ибрагимов Р. Бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент. 2002. – 265 б; Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. Тошкент, 2003. – 280 б; Махмудов М.Х. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари: Пед. фан. док. дис. ... автореф. – Тошкент, 2004. – 42 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид фалсафий, педагогик, психологик, методик манбаларни қиёсий ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат, савол-жавоб, тест, педагогик тажриба-синов натижаларини умумлаштириш, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида узвийликни таъминлашга йўналтирилган халқаро баҳолаш дастури талабларига мувофиқ ўқувчиларга мўлжалланган “Машқ дафтари” дидактик восита ишлаб чиқилган;

алгоритмик машқлар тизимидан фойдаланиш асосида бошланғич синф она тили таълимида ўқувчиларнинг таянч (рефлексив, когнитив, маърифий, коммуникатив, ижтимоий) компетенциялари ҳамда психолингвистик қобилиятлари тил ва тафаккур бирликларини ўзаро диалектик боғлиқликда ўргатиш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар тизимини кўллаш жараёнида ўқувчиларнинг креатив тафаккурига устуворлик бериш орқали таълимий узвийлик ва прагматик таълим модели мукамаллаштирилган;

замонавий моделлаштириш, лойиҳалаш ва праксиологик, рефлексив ёндашув технологияларига асосланган ҳолда, алгоритмик машқлар тизимини она тили таълимига жорий этиш методик асослари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф она тили таълимига хос алгоритмик машқлар тузиш усуллари ва дидактик талаблари ишлаб чиқилган;

алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашга қаратилган “Машқ дафтари” амалиётга татбиқ этилган;

она тили дарсларида алгоритмик машқлардан самарали фойдаланиш имкониятлари ҳамда машқлардан фойдаланиш технологиялари бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган мактаблар сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмунига кўра тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашга оид назарий ёндашувлар, қарашлар, концепциялар аниқланган ва таҳлил қилинганлиги, она тили ўқитиш методикаси грамматик тушунчаларни ўргатишга йўналтирилган илмий тавсиялар, назарий хулосалар ва методик-психологик ёндашувлар билан бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида

узвийликни таъминлашга хизмат қиладиган дарслар, уларнинг турлари, шакллари, усул ва методлари ҳамда дарсларни ташкил этишга оид методик тавсиялар яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашга оид таклифлардан “Машқ дафтари” ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 24 июндаги 01/11-03/03-596-сонли маълумотномаси). Натижада алгоритмик машқлар асосида бошланғич синф она тили таълимининг методик таъминоти такомиллаштирилган;

алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашга асосланган ҳолда ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини ривожлантиришга оид таҳлиллардан Ф1-ХТ-1-31247 рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 июндаги 89-03-2627-сонли маълумотномаси). Натижада бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш психологик-методик йўналишларни аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш мезонларини шакллантирувчи аниқлик, изчиллик, натижавийлик, самарадорлик, қиёсийлик, мантиқийлик, долзарблик тамойилларига доир таклифлардан А-5-37 рақамли “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” номли амалий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижроси мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 июндаги 89-03-2627-сонли маълумотномаси). Натижада бошланғич синф она тили таълимида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришнинг мотивацион, коммуникатив-когнитив мазмуни такомиллаштирилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 3 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, асосий матн 136 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашнинг илмий-методик асослари”** деб номланиб, уч фаслни ўз ичига олади. Мазкур бобда алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш долзарб методик муаммо сифатида ўрганилиб, алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашнинг мавжуд аҳволи, алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашда дарсликларнинг ўрни ва методик имкониятлари илмий асосланган.

Она тили таълимида машқлар билан ишлаш алоҳида илмий ва методик моҳиятга эга. Машқ у ёки бу мавзу доирасида билим, фаолият усулларини бир хил ўқув шароитида бажаришга оид ўқув топшириғидир. Машқларни бажариш жараёнида билимлар эсга туширилади; билим, фаолият усули ўқув ҳолатига татбиқ қилинади; субъект (шахс) фаолияти такомиллаштирилади. Шу боисдан дарсликларда ҳар бир мавзуга доир бир неча машқлар берилади ва дарс жараёнида машқлар бажартиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бизнингча, она тили таълимида алгоритмик машқлардан фойдаланиш илмий-методик жиҳатдан яхши самара беради.

“Алгоритм” термини “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай таъриф берилган. Алгоритм, алгорифм [лот. Algorithmi] сўзлари аслида X асрда яшаган буюк ўзбек математиги Ал-Хоразмийнинг номидан олинган бўлиб, “маълум бир турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган амалларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида (дастур)” маъносини англатади.¹

Ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб алгоритм сўзи қўлланади. Хусусан, она тили таълимида ҳам алгоритм ва машқ сўзларининг луғавий маъносидан келиб чиқиб, алгоритмик машқ термини қўлланади. Бизнингча, она тили фани нуқтаи назаридан алгоритмик машқ терминини таърифлаш мумкин. Алгоритмик машқлар амалиётдан назарияга қараб бориш тамойили асосида ўқувчиларнинг бир неча (аввал ўтилган, ўтиляётган ва кейин ўтиладиган) мавзу доирасида тил ва нутққа доир билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, бойитиш ҳамда изчил, эркин, мустақил, ижодий,

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. – 1 ж. – Б.680.

мантикий фикрлаш ва мушоҳада юритиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган, бир неча босқичли, кетма-кетлик асосида бажариладиган муайян тартиб-қоидаларга асосланган машқлардир.

Алгоритмлаштирилган таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқув материали турли алгоритмларга ажратилади. Алгоритмик машқлар ҳам алгоритмлаштирилган таълим намунасидир.

Алгоритмлаштирилган таълимда ўқувчи фаол иштирок этади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти қуйидагича амалга оширилади:

1. Ўқитувчи томонидан машқ топшириқлари турли алгоритм кўринишига келтирилади.

2. Алгоритмлар муаммо тарзида ўқувчиларга берилади.

3. Машқ топшириқлари айнан ўрганилаётган мавзугагина оид бўлмай, аввал ўрганилган мавзуларни ҳам қамраб олади. Шу боисдан кетма-кетликликка асосланган бир неча босқичдан иборат бўлади.

4. Берилган вазифалар юзасидан ўқувчиларга ўз фикрини баён этиш, муаммони ечиш йўллари таклиф этилади.

5. Ўқитувчи ўқувчилардан муайян муаммонинг тўғри ечимини топишни сўрайди.

6. Ўқувчилар ўз билими, малака ва кўникмаларига таянган ҳолда, мустақил хулоса чиқаришга ҳаракат қиладилар.

7. Машқ топшириқлари ўқувчиларни ижодий фикрлаш ва мантикий мушоҳада юритишга ундайди ҳамда уларда шундай фаолиятни ривожлантиради.

8. Ўқитувчи болалар билан чиқарилган хулосани муҳокама қилади.

9. Ўқитувчи хулосани тўлдиради, изоҳлайди, бойитади.

10. Ўқитувчи назарий билимларни турли амалий ҳолатларга татбиқ этишни таклиф этади.

Юқорида келтирилган босқичлар асосида кетма-кет фаолият ташкил этилади. Ушбу фаолият алгоритмлаштирилган таълим шаклида амал қилади.

Ўқувчилар хотирасига мўлжалланган ўқув топшириқларининг психологик асосини хотира ҳодисалари – ўрганилган билимларни эсга тушириш, ўқув ҳолатига татбиқ этиш, билим ва фаолият усулларини янада аниқлаштириш ташкил этади. Она тили таълимида асосий ўқув фаолият турини ташкил этувчи машқлар бажаришда ҳам ўқувчиларнинг хотираси ишлайди.

Алгоритмик машқлар ўқувчилар хотирасини мустаҳкамлаш, ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Албатта, она тили таълимида дарсликлардаги машқлардан фойдаланилади. А.Ғуломов, Ҳ.Неъматовлар таснифга асосланган ҳолда, бошланғич синфлар “Она тили” дарсликларидagi¹ машқларни мазмун-моҳиятга кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Қайта хотирлаш типидagi машқлар.

2. Қисман изланувчанликка оид машқлар.

3. Ижодий машқлар.

¹ G'afforova T., Shodmonov E., G'ulomova X. Ona tili (1-sinf uchun darslik). – Toshkent: Sharq, 2019. – 111 b; Qosimova K., Fuzailov S., Ne'matova A. Ona tili (2-sinf uchun darslik). – Toshkent: Cho'lpon, 2018. – 142 b; Fuzailov S., Xudayberganova M. Ona tili (3-sinf uchun darslik). – Toshkent: O'qituvchi, 2019. – 147 b; Ikromova R. va boshqalar. Ona tili (4-sinf uchun darslik). – Toshkent: O'qituvchi, 2017. – 190 b.

Бошланғич синф “Она тили” дарсликларидаги машқларнинг юқоридаги турларга мансублиги куйидагича: (1.1.3 - жадвалга қаранг).

Она тили дарслигидагимашқлар таснифи

(1.1.3-жадвал)

№	Синф	Умумий машқлар сони	Қайта хотирлаш типидagi машқлар	Қисман изланувчанликка оид машқлар	Ижодий машқлар
1	1-синф	190 та	110 та (58%)	59 та (31%)	21 та (12%)
2	2-синф	324 та	215 та (67%)	77 та (24%)	32 та (9%)
3	3-синф	424 та	262 та (62%)	115та(24%)	47 та (11%)
1	4-синф	467 та	353 та (75%)	93 та (20%)	24 та (5%)

Алгоритмик машқлар юқорида келтирилган барча машқ турларига хос хусусиятларга эгалиги билан тавсифланади. Шу боис ҳам дарсларда улардан фойдаланиш самарадорлик беради, бироқ дарсликдаги барча машқлар алгоритмик табиатга эга эмас. Алгоритмик машқларнинг оддий машқларга қараганда мураккаблиги, кўп босқичли топшириқлардан иборатлиги, бажариш учун кўпроқ вақт сарфланиши каби омиллар барча дарсларда улардан фойдаланиш имконини бермайди. Албатта, ўқитувчи бу омилларни эътиборга олиши, дарс мавзуси, ўқувчиларнинг билими, иқтидори, қизиқиши, малака ва кўникмалари даражасини эътиборга олган ҳолда, бир дарсда бир ёки икки алгоритмик машқдан фойдаланиши мумкин. Бу жараёнда дарсликдаги алгоритмик машқлардан, айрим оддий машқларни алгоритмик машқларга айлантириш ёки ижодкорлик билан ўзи мустақил тузган машқлардан фойдаланиши тавсия этилади.

Диссертациянинг “**Алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашнинг шакл, методи ва воситалари**” деб номланган 2-боби уч фаслни ўз ичига олади. Бунда бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашда алгоритмик машқлар тизими ва уларнинг таркибий қисмлари, бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашда алгоритмик машқлар устида ишлаш мезонлари хусусида фикр юритилади.

Алгоритмик машқлар тузиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унда таълим жараёнининг иштирокчилари – ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти лойиҳаланади. Таълимнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тузилган лойиҳа ва уни амалга оширишга боғлиқлиги боис алгоритмик машқлар муҳим методик моҳиятга эга. Она тили таълимида алгоритмик машқлардан фойдаланиш ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Алгоритмик машқ тизимини лойиҳалашда ўқитувчи куйидаги тартибда ўз фаолиятини амалга оширади:

Алгоритмик машқ тизими она тилидан ўрганилаётган мавзунинг мазмуни, қурилишига мос бўлиши, унда алгоритмик машқнинг барча турлари берилиши, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини аниқлаш болаларнинг ўқиш-ўрганишга қизиқишларини ошириши зарур. Алгоритмик машқларни тузиш ва шакллантиришда таълим жараёни ҳамда ўқувчилар билан боғлиқ куйидаги жиҳатларга эътиборга қаратилади:

- фаоллик даражаси;
- мустақил ишлай олиш кўникмалари;
- ижодий қобилиятлари ва уни ривожлантириш;
- ўқув материаллари ва топшириқларнинг изчиллиги;
- ҳар бир билув топшириғининг эмоционал ўзига хослиги;
- мавзуга оид билим - кўникма - малакалари;
- тил ва нутқнинг алоқадорлиги, боғлиқлиги;
- вақт бюджети ва таълимнинг мақсади;
- мавзуга оид далилларнинг бойлиги, ранг-баранглиги ва ҳаётийлиги;
- мунозара ўтказиш, муаммолар қўя билиш имкониятлари.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, ўқитиш жараёнида ривожлантирувчи, ҳамкорлик ва модулли таълим технологияларини фаол қўллаш орқали ўқувчиларда таълим олишга бўлган кучли мотивация шакллантирилади. Фикрларимизни 3-синф “Она тили” дарслигидаги 29-машқдаги алгоритмик топшириқларни бажариш билан боғлиқ қуйидаги жараён ҳам тасдиқлайди:

Машқда қуйидаги топшириқлар берилган:

- а) берилган ҳарфлардан мосини қўйиб, сўзлар ҳосил қилиш;
- б) сўзларнинг маъносини изоҳлаш;
- в) ҳосил бўлган сўзларни алифбо тартибида ёзиш.

Тоғ	а		айёр	т		эрта	к
Ош	б		елка	н		қиш	ў
Айиқ	қ		ўроқ	с		иш	қ

Машқни бажаришда қуйидаги тартибда узвийлик таъминланади:

1. Ўқувчи фонетик ва график билим, кўникма, малакаларига таянган ҳолда, ҳарфлардан мосини қўйиб ва сўзлар ҳосил қилади:

Тоғ+а	→	тоға		т+айёр	→	тайёр		эрта+к	→	эртак
Б+ош	→	бош		елка+н	→	елкан		ў+қиш	→	ўқиш
Қ+ айиқ	→	қайиқ		с+ўроқ	→	сўроқ		қ+иш	→	қиш

2. Ўқитувчи ўқувчиларни сўзларнинг луғавий маъносини тўғри изоҳлашга қуйидаги саволлар билан йўналтиради: “Сўз қандай маънолар англатади?”, “Сўзларнинг маъносини изоҳлашда қандай сўроқлардан фойдаланамиз?”, “Бу сўзлар ким ёки нимани англатади?” каби. Натижада ҳосил қилинган сўзлар қуйидагича изоҳланади:

тоғ – ер юзасининг теварак-атрофдаги баландлик, қаттиқ жисмлардан иборат; тоға – аёлнинг ака-укалари(унинг болаларига нисбатан), шахс; ош – пиширилган иссиқ овқат; бош – тананинг бўйиндан юқориги, олдинги (одамда, ҳайвонда); айиқ – қатта сут эмизувчи йиртқич ҳайвон, қайиқ – дарё, кўл ва б.сув ҳавзалари учун мўлжалланган сузиш воситаси; айёр – мақр-ҳийлага уста, тайёр – бирор ишга шайланиб, ҳозирланиб турган, шай, ҳозир; ўроқ – турли бошоқли эканлар, беда, пичан ва ўтларни қўлда уриш учун ишлатиладиган, бели букик, ўткир тиғли меҳнат қироли, сўроқ – савол, сўров; эрта – белгили, одатдаги, меъерий вақтдан анча ёки бирмунча олдин, барвақт, вақтли; эртак – халқ оғзаки ижодининг асосий жанрларидан бири; қиш – йил фаслларида бири, иш – инсон фаолияти билан боғлиқ, унинг меҳнати билан амалга ошадиган,

томонини шаклланиши ҳамда ифодаланишида товуш (фонема), ҳарфлар муҳим ўрин тутиши, уларнинг ўзгариши, ноўрин қўлланиши сўзнинг маъносини ўзгартириб юбориши уқтирилади, сўз таркиби (морфемика)га доир айрим билимлар ҳам берилади. Она тили таълимида алгоритмик машқларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг қобилияти, интилиш ва қизиқишлари устуворлиги таъминланади, мустақил ва ижодий фикрлаш, оғзаки ва ёзма нутқини раво баён этиш малакалари шаклланди.

Алгоритмик машқлар ижодийлик характериға эға бўлганлиги сабабли билиш жараёнида бир оз қийинчилик келтириб чиқаради, чунки мантиқий фикрлаш ўқувчини толиқтириб қўйиши мумкин. Шунинг учун алгоритмик машқлар устида ишлашда ўқитувчи маҳорати ҳамда ўқувчиларнинг психик хусусиятлари инобатға олиниши лозим. Бунда ҳар бир ўқувчининг реал ўқув имкониятларидан келиб чиқиш талаб этилади.

Тадқиқотнинг “**Алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш самарадорлиги**” номли 3-боби уч фаслни ўз ичига олади. Мазкур бобда алгоритмик машқларни она тили таълимиға татбиқ қилишнинг шарт-шароитлари, алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашда тажриба-синов ишларини ташкил этиш, алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш бўйича тажриба-синов ишларининг самарадорлиғига доир педагогик тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили ва натижалари берилган.

Алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш муаммоси бўйича тўрт ўқув йили мобайнида экспериментал таълим ўтказилди. Экспериментал таълимда Наманган шаҳридаги 11-, 18-, 31-мактаблар, Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги 4-, 8-, 14-мактаблар, Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳридаги 10-, 15-, 19-мактабларнинг 8 та бошланғич синфидаги 420 нафар ўқувчи қатнашди.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг она тили таълимида алгоритмик машқлардан фойдаланиш юзасидан ўтказилган тадқиқотларда ўқув фанининг мазмуни ДТС ва ўқув дастури талаблари асосида белгиланиб, амалиётға татбиқ этилди. Дастлабки тажриба-синов ишлари жараёнида суҳбатлар, кузатишлар, сўровномалар ва лойиҳалар натижаларидан ўқитувчиларни анъанавий (оддий) машқ билан алгоритмик машқни ажрата олмаслиги, бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлардан фойдаланиш камлиги боис ўқувчиларни билим, малака, кўникма ва қизиқишларига кўра табақалаб ўқитишға, иқтидорли ўқувчиларға имкониятларини намоён этишға эътиборнинг сустлиги, уларни тўла рағбатлантирмаслиги, ўтилган, ўтиладиган мавзулар ўртасида узвийликни талаблар даражасида эмаслиги кузатилди.

Тажриба-синов ишлари давомида алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни

таъминлашда ўқувчиларнинг ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри, раво, изчил баён қилиши, мустақил ва ижодий фикрлай олиши, мулоқот ва нутқ маданияти талабларига риоя этишига жиддий эътибор қаратилди.

Алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашда ўқитувчига қуйидаги талаблар қўйилади:

дидактик талаблар:

она тили таълимида алгоритмик машқларни қўллаш орқали ўқувчи томонидан ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;

алгоритмик машқларни моҳиятан қизиқарли, мазмунан аниқ, лўнда ва қулай бўлиши;

синф ва ўқувчиларнинг билими, иқтидори ва қизиқиш эътиборга олган ҳолда машқ топшириқларини табақалаштириш;

ўқувчиларда илмий дунёқараш ва мантиқий мушоҳада юритиш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш;

машқ матнларини миллий руҳ, миллий маданият, мафкура ва қадриятларга мутаносиблигини таъминлаш;

таълимининг кундалик ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлигини таъминлаш, билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатларни шакллантириш ва таъминлаш;

топшириқларни она тили билан бошқа ўқув фанлари узвий боғлиқлиги ва интеграциясига йўналтириш;

алгоритмик машқларни расм, иллюстрация, харита, чизма, жадвал, диаграмма ва фотосуратлар билан безатилиши ва бойитилишини таъминлаш.

илмий-методик талаблар:

мавзуларнинг мазмунан яхлитлигини таъминлаш;

топшириқларни аниқ, изчил тушунарли ва раво тилда баён қилиш;

машқ топшириқларини белгилашда мантиқий кетма-кетлик ва изчилликка амал қилиш.

педагогик-психологик талаблар:

илмий асосланган маълумотлар билан ишлаш;

алгоритмик машқ бажариш жараёнида билим даражалари, эслаб қолиш қобилиятини ҳисобга олиш;

воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаш қобилияти ва амалий қизиқишлари ривожлантиришга эътибор бериш;

топшириқларни ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мос бўлишини таъминлаш.

Тажриба-синов ишлари юқоридаги талабларга таянган ҳолда олиб борилди.

Тажриба-синов ишларининг баҳоловчи-яқунловчи-асословчи босқичида сўровнома, суҳбатлар қайта ўтказилиб, тажриба аввали ва сўнгидаги натижалар қиёсий таҳлил этилди.

Бу жараёнда ўрганилган муаммонинг мавжуд ҳолати таҳлил қилинди ва шу асосда алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлашга хизмат

қиладиган махсус методика ишлаб чиқилди ва яқунловчи тажриба-синов жараёнига жорий этилди. Мазкур методиканинг самарадорлик даражаси қуйидаги мезонлар ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилинди: ўқувчиларнинг алгоритмик машқлар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари; қўйилган муаммони ҳал қила олишлари; муаммоларни ечишда қатъиятлилик кўрсата билишлари; ўзи ва ўзгаларни ғайририхтиёр хатти-ҳаракатларини назорат қилишлари; муаммоларни ҳамкорликда еча олишлари; суҳбатдошларини диққат билан тинглай билишлари; атрофдагиларга ҳамдардликларини ифода қилишлари; ноаниқликларда бардошли ҳислатини ривожлантиришлари; муаммоларга турли нуқтаи назардан ёндаша билишлари; ўзиникидан бошқача бўлган нуқтаи назарларга тоқатли муносабатда бўла олишлари; тез-тез аниқловчи саволлар бера олишлари; турли хулосалар чиқара олишлари; ўз фикрларини, кечинмалари ҳақида ўйлай ва уларни баҳолай билишлари; ўз олдига ҳар хил мақсадлар қўя олишлари; турли хулосалар чиқара олишлари; ўз фикрларини асослай олишлари; ахборотларни фаол англашлари; ўз билимлари ва кўникмаларини турли вазиятларда қўллашлари; шахс сифатида онглиликни амалга ошира билишлик; ўз ўзида мустақилликни тарбиялай олиши; алгоритмик машқларни бажариш жараёнида муаммоли вазиятларни ечишда турли усуллардан фойдалана билишлари; ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлай олиши; илгари олган билимларини оғзаки ва ёзма такрорлай билиши; олдин ўрганганларини янада чуқурроқ ва мустаҳкам ўзлаштириш мақсадида улардан алоҳида масалалар бўйича ахборот бера олиши; машқ бажариш жараёнида фаолиятга кириша билиши; алгоритмик машқ бажариш асосида мувафаққиятга олиб келишини англаган ҳолда мустақил ва сидқидилдан ақлий меҳнат қила олиши.

Ушбу мезонлар асосида алгоритмик машқлар тизимини такомиллаштириш асосида бошланғич синф она тили таълимида узвийликни таъминлаш асосида ўқитиш усулларининг самарадорлиги статистик таҳлил этилди. Тажриба якунидаги тажриба ва назорат синфларидаги натижалар умумлашган ҳолда қуйидаги жадвалда акс этган. (3.15-жадвалга қаранг).


3.15-жадвал.

1-4 синф ўқувчиларининг алгоритмик машқлар бажариш жараёнида самарадорлик кўрсаткичлари (тажриба якунида)

Синф	Тажрибада иштирок этган гуруҳлар	N	“5”	“4”	“3”	“2”	Баҳонинг ўртача киймати	Самарадорлик
1-синф	Тажриба гуруҳи	213	72	96	45	0	4,13	η=1,18
	Назорат гуруҳи	207	33	70	69	35	3,49	
2-синф	Тажриба гуруҳи	213	43	87	60	22	3,70	η=1,24
	Назорат гуруҳи	207	11	33	105	58	2,98	

3-синф	Тажриба гуруҳи	213	38	46	115	14	3,51	n=1,1
